

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2019.ФМ/Т.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАБИЕВ АЪЗАМЖОН БОТИРЖОНОВИЧ

***a-Si:H* АСОСИДАГИ ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИДА
КОВАКЛАР ЭЛЕКТР ТАШУВЧАНЛИГИНИ
ФОТОЭЛЕКТРИК ХОССАЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Набиев Аъзамжон Ботиржонович

a-Si:H асосидаги қуёш элементларида коваклар электр
ташувчанлигини фотоэлектрик хоссалари 3

Набиев Аъзамжон Ботиржонович

Фотоэлектрические свойства электропереноса дырок в солнечных
элементах на основе *a-Si:H*. 25

Nabiyev Azamjon Botirjonovich

Photoelectric properties of electric transport of holes in solar cells
based *a-Si: H*..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2019.ФМ/Т.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАБИЕВ АЪЗАМЖОН БОТИРЖОНОВИЧ

***a-Si:H* АСОСИДАГИ ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИДА
КОВАКЛАР ЭЛЕКТР ТАШУВЧАНЛИГИНИ
ФОТОЭЛЕКТРИК ХОССАЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/FM320 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ispm.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Зайнабидинов Сиражидин Зайнабидинович**
физика-математика фанлари доктори, профессор,
академик

Расмий оппонентлар: **Имамов Эркин Зуннунович**
физика-математика фанлари доктори, профессор
Дадамирзаев Мухаммаджон Гуломқодирович
физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2019.FM/T.01.12 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-94; факс: (+99871) 248-79-92; e-mail: info@ispm.uz), ЎЗМУ қошидаги ЯФМ ИТИ мажлислар зали).

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-59; e-mail: info@ispm.uz),

Диссертация автореферати 2019 йил « ___ » _____ да тарқатилди.
(2019 йил « ___ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Б. Утамурадова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.С. Насриддинов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби т.ф.д., доцент

А.Т. Мамадалимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Жаҳонда охириги ўн йилликда қайта тикланадиган энергия манбаларининг, айниқса фотоэнергетика соҳасининг жадал ривожланиши кузатилмоқда. Катта фойдали юзага эга, таннархи арзон қуёш элементларини яратишда асосий материаллардан бири бўлган гидрогенизацияланган аморф кремний ва унинг модификацияларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири гидрогенизацияланган аморф кремний ва унинг модификациясидан фойдаланиб, қуёш элементларининг кўп қатламли, юқори самарадорликка эга бўлган моделларининг яратилиш имкониятини юзага келишидир. Бундан ташқари гидрогенизацияланган аморф кремний ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан истиқболли яримўтказгич ҳисобланиб, у ўзининг юқори фотоэлектрик ўтказувчанлиги, кенг спектрал ораликда юқори даражада ютиш коэффициентига эгаллиги ва легирлашнинг самарадорлиги билан илмий тадқиқотчиларга турли усулларни қўллаш имкониятини яратади.

Ҳозирги даврдаги илмий дунёда яримўтказгичлар, айниқса гидрогенизацияланган аморф кремний ва унинг модификациялари асосида яратилган кўп қатламли ва кўп каскадли қуёш элементларининг контакт соҳаларида юзага келган янги хоссаларни, шунингдек уларнинг ток ташувчиларнинг параметрларига таъсирини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, қуйида келтирилган йўналишлар бўйича мақсадли тадқиқотлар олиб бориш асосий масалалардан бири ҳисобланади: гидрогенизацияланган аморф кремнийда ёруғликнинг нотекис ютилиши туфайли қатламлар ўртасидаги потенциал тақсимотни аниқлаш; гидрогенизацияланган аморф кремний асосидаги $p-i-n$ структураларда фақат бир турдаги заряд ташувчилардан иборат фототокни ҳосил қилиш шартларини аниқлаш; $p-i-n$ структуралар фотовольт-ампер характеристика (фотоВАХ)ларини назарий таҳлил қилиш; таҳлил натижаларидан фойдаланиб, бир турдаги заряд ташувчилар параметрларини ўзгартириш учун аниқликлар киритиш.

Республикамизда илм-фан ривожига фотоэнергетикага, хусусан монокристалл ва поликристалл кремнийли қуёш модулларининг самарали ишлаш шартларини тадқиқ этишга кейинги йилларда катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўплаб ишлар қилинган, яъни турли хил модификациялардан фойдаланиб, кўп қатламли ва гетероўтишли қуёш элементларини яратиш бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг фойдали иш коэффициент (ФИК)ларини орттириш йўлида кўплаб тавсиялар ишлаб чиқилган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси¹ да илмий тадқиқот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // ЎзР ҚХТ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.

ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш масалалари, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш вазифалари белгилаб берилган. Бу борада арзон яримўтказгич материаллар асосидаги самарали куёш элементларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони ҳамда 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сонли “Фанлар Академиясининг фаолияти ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштиришни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг Ф2 «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гидрогенизацияланган аморф кремний асосида яратилган фотоэлектрик қурилмалардаги ток ташувчиларнинг фаол қатлам ҳарактеристикаларига боғлиқлиги америкалик олимлар Е. А. Шифф, Р.Г. Лекомбер, Р.А. Стрит ва япониялик олим И. Хамокавалар томонидан ўрганилган.

Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларидаги бир неча илмий-тадқиқот гуруҳлари томонидан гидрогенизацияланган аморф кремний ва унинг модификацияларини фотоэлектрик ўтказувчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги бўйича тажриба натижаларидан фойдаланиб, асосан рекомбинацион жараёнлар механизми ва рекомбинация марказларнинг энергетик ўрни тадқиқ қилинган. Санкт-Петербург физика-техника институтида, Е.И.Теруков¹ раҳбарлиги остидаги гуруҳ, гидрогенизацияланган аморф кремний асосидаги структураларда ток ташиш жараёнларини тадқиқ этган. Москва давлат университети профессори А.Г. Казанский² бошчилигидаги илмий гуруҳ томонидан эса асосан компланар структуралар тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик олимлар: Р.А. Мўминов, А.Т. Мамадалимов, М.К. Бахадирханов, С.З.Зайнобидинов, К.П. Абдурахмонов, Ғ.Ғ. Гулямов, Э.З. Имомов, Р.Я. Расулов ҳамда Р.Ғ. Икрамовлар ўзларининг бир қатор ишларида моно-, поли-, нано- ва гидрогенизацияланган аморф кремний асосида яратилган куёш элементларида юзага келадиган жараёнлар ва турли ташқи омилларнинг ток ташувчиларга таъсирини ўрганишган.

¹ E.I. Terukov, Yu. V. Kryuchenko, A.V. Sachenko, A.V. Bobyl, V.P. Kostilyov, P.N. Romanets, I.O. Sokolovskiy, A.I. Shkrebtiy., Efficiency a-Si:H solar cell. Detailed theory. Semiconductors Physics, 2012, V. 15, № 2, с. 91-116.

² Казанский А.Г., Кошелев О.Г., Сазонов А.Ю., Хомич А.А. Фотопроводимость тонких пленок аморфного гидрированного кремния. ФТП, Т. 42, 2008, -В. 2. -с.192-194.

Аммо ҳозиргача қалин қатламли гидрогенизацияланган аморф кремний асосидаги структураларда ёруғликнинг нотекис ютилиши асосида ҳосил бўладиган потенциал тўсиқ ва унинг ёрдамида фақат бир турдаги ток ташувчилардан иборат фототокнинг юзага келиши ва унинг кучланишга боғлиқлик тавсифлари деярли ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон ва Наманган давлат университетлари илмий-тадқиқотлар режасининг ОТ-Ф2-002 рақамли «Поликристалл, аморф ва нанокристалл кремнийли структураларда ташқи таъсирлардан (термик, оптик ва радиацион) рағбатлантирилган номувозанатли заряд кўчиш жараёнлари» (2007 – 2011 йй); ОТ-Ф2-28-рақамли «Легирланган кремний сирти ва ҳажмидаги квант ўлчамли эффектлар ҳамда уларнинг $p-n$ структуралардаги заряд ташувчилар фотогенерацияси ва рекомбинацияси жараёнларига таъсири» (2012 – 2016 йй) мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади $a-Si:H$ асосидаги қуёш элементларида ковакларнинг электр ўтказувчанлик жараёнларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$a-Si:H$ асосидаги $p-i-n$ структураларда фақат бир турдаги заряд ташувчилардан иборат фототок олиш мақбул шароитларини аниқлаш;

$p-i-n$ структурани фаол қатламида ёруғликнинг нотекис ютилиши туфайли энергетик потенциал тўсиқнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш;

$a-Si:H$ асосидаги $p-i-n$ структуралар фотоВАХси учун Пуассон тенгламаси, узлуксизлик ва қайта зарядланиш учун кинетик тенгламадан фойдаланиб, турли ҳоллар учун аналитик ифода келтириб чиқариш;

фақат коваклар токининг фотоэлектрик параметрларини бир қийматли аниқлаш имконини берувчи фотоВАХ соҳасини аниқлаш;

ковакларнинг ток ташувчанликдаги иштирокига таъсир қилувчи ҳаракатчанлик тирқишидаги зарядли ҳолатлар концентрацияси ва уларнинг энергетик тақсимланиш кенглигини аниқлаш;

Тадқиқот объекти сифатида гидрогенизацияланган аморф кремний олинган.

Тадқиқотнинг предмети стационар ва квазистационар ёритилган гидрогенизацияланган аморф кремнийнинг фотоэлектрик ўтказувчанлигини ҳароратга ва кучланишга боғлиқлигини кўрсатувчи график ёрдамида ковакларнинг ток ташиш механизминини тадқиқ этишдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Пуассон тенгламаси, узлуксизлик тенгламаси, қайта зарядланишни кинетик тенгламаси, зарядли ҳолатлар тақсимоти учун Гаусс формуласи, турли функцияларни қаторга ёйиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк бор ёруғликнинг қалинлик бўйлаб нотекис ютилиши натижасида бир қатламнинг ўзида ток ташувчиларнинг турли хил концентрациясига эга

икки соҳанинг юзага келиши ва улар ўртасидаги потенциал тўсиқнинг мавжудлиги аниқланган;

$p - i - n$ структураларда ёруғликнинг нотекис ютилиши туфайли юзага келган соҳада фақат бир турдаги ток ташувчилардан иборат фототокнинг юзага келиш шартлари аниқланган;

илк бор гидрогенизацияланган аморф кремний учун ВАХнинг тўғри чизиғидаги қонуниятлар ўрнатилган;

гидрогенизацияланган аморф кремнийда ковакларнинг фотоэлектрик параметрларини аниқлаш мумкинлиги назарий асосланган;

коваклар ҳаракатига таъсир қилувчи нуқсонларнинг ҳаракатчанлик тирқишидаги энергетик сатх ва концентрациясини аниқлаш усули таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: гидрогенизацияланган аморф кремний асосидаги фотоэлектрик қурилмаларда ковакларнинг деярли барча фотоэлектрик параметрлари ҳақидаги маълумотларни олиш ва уларнинг самарадорлигини орттириш имкониятлари яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий ҳисоблашлардан олинган натижаларнинг экспериментал натижалар билан мос тушиши орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фаол қатламнинг қалинлиги катта бўлган кўп қатламли фотоэлементлар, асосан қуёш элементларида ёруғликнинг нотекис ютилиши ҳисобига қўшимча потенциал тўсиқ ҳосил қилиши ва бу тўсиқнинг коваклар ўтказувчанлигига таъсирини ҳажмий зарядлар билан чегараланган фотоВАХ ёрдамида ўрганишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қуёш элементларининг самарадорлигини ошириш имкониятларидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. $a\text{-Si:H}$ асосидаги қуёш элементларида коваклар электр ташувчанлигини фотоэлектрик хоссаларини тадқиқ қилиш асосида:

$a\text{-Si:H}$ асосидаги қуёш элементларида ковакларнинг ток ташувчанлик механизмини аниқлаш ва уларга таъсир қилувчи ҳаракатчанлик тирқишидаги зарядли ҳолатлар концентрациясини оптималлаштириш орқали фотоэлектрик қурилмаларнинг самарадорлигини ошириш «Фотон» акциядорлик жамиятида яримўтказгичли электрон қурилмалар ишлаб чиқаришда фойдаланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш қуёш элементларининг унумдорлигини ошириш имконини берган. («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2019 йил 13 ноябрдаги 04-4/1827-сон маълумотномаси).

Ёруғликнинг қалинлик бўйлаб нотекис ютилиши натижасида бир қатламнинг ўзида ток ташувчиларнинг турли концентрациясига эга икки соҳанинг юзага келиши ва улар ўртасидаги потенциал тўсиқ мавжудлигини аниқланиши, фототокнинг кучланишга боғлиқлик графигини назарий таҳлили асосида олинган аналитик ифода, тажрибалар натижасида олинган графикларни назарий таҳлилидан фойдаланиб, коваклар ҳаракатига таъсир

килувчи зарядли ҳолатларнинг ҳаракатчанлик тирқишидаги энергетик ўрни ва концентрациясини аниқлаш усули Ф2-ОТ-О-15494 “Квант нуқтали гетеро ва нанотузилмалардаги экситонлар, поляронлар, биполяронлар ва кўчиш ходисаларини тадқиқ этиш асосида нурлагичлар, фотоэлементлар ва бошқа турдаги оптоэлектрон асбобларнинг самарадорлигини яхшилаш” ҳамда Ф-2-21 “Яримўтказгичдиэлектрик чегарасидаги сирт ҳолатлар зичлигини аниқлашни математик моделлаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш фотоэлементлар ва бошқа турдаги оптоэлектрон асбобларнинг самарадорлигини ошириш имконини берган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 89.03.4392-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси фалсафа докторлиги диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, нашр этилган ишлар рўйхати, фойдаланилган адабиётлар 98 та номдаги рўйхатдан иборат ва диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган. Тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**гидрогенизацияланган аморф кремнийни фотоэлектрик ўтказувчанлиги ва рекомбинацион жараёнлар**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабиётларда келтирилган натижалар таҳлил этилган. Гидрогенизацияланган аморф кремний асосидаги қуёш элементларининг самарадорлиги фотоэлектрик параметрларига боғлиқлигидан келиб чиқадиган натижалар асосида ўрганилган. Адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида фотоэлектрик ўтказувчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги, ютилиш коэффицентининг спектрал тақсимоти ва люкс-ампер характеристикалар орқали коваклар ҳаракатчанлиги μ_p ва яшаш вақти τ_p , $a-Si:H$ пардаларда Ферми сатҳини энергетик жойлашувига, ҳаракатчанлик тирқишидаги зарядли ҳолатлар зичлигига ва уларнинг табиатига, легирлаш даражасига боғлиқлиги тадқиқ этилган. Қуёш элементлари ва фотоэлектрик қурилмаларда ковакларнинг ток ташувчанлик механизмини ўрганишда $a-Si:H$ нинг бор билан кучсиз ва кучли легирланган $a-Si:H(B)$ пардаларида асосий параметрлар бўлган ҳаракатчанлик тирқиши ва ундаги зарядлар тақсимоти, рекомбинацион жараёнлар, вольт-ампер ва люкс-ампер характеристикаларни ўрганишга кам эътибор қаратилгани кўрсатиб берилган. Биз томондан кўпгина муаллифларнинг тажриба натижалари ўрганилди, уларнинг қайд этган вольт-ампер тавсифларида мураккаб кўринишдаги боғлиқлик кузатилган. Лекин бу боғлиқликни кўрсатиб берадиган аналитик ифода уларда мавжуд эмас. Амалга оширилган адабиётлар таҳлили асосида ушбу диссертация ишининг вазифаси ва мақсади кўйилди.

Диссертациянинг « **$a-Si:H$ пардалари ва улар асосидаги структураларда зарядларнинг ток ташиш механизми ва уларнинг фотоэлектрик параметрларга боғлиқлигини ўрганиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида гидрогенизацияланган аморф кремний асосидаги фотоэлектрик қурилмаларда электрон ва ковакларни ток ташиш механизмини белгиловчи зарядлар ҳаракатчанлиги, ўртача яшаш вақти, ҳаракатчанлик тирқишидаги зарядлар ҳолати тақсимоти ва Ферми сатҳи энергетик ўрни каби параметрлар ўрганилган. Асосий эътибор μ_p ва μ_n катталикларнинг $a-Si:H$ парда параметрларига қай даражада боғлиқлигига қаратилган. Бунинг учун узлуксизлик ва электронейтраллик кинетик тенгламаларидан фойдаланиб қуйидагиларни ёзиш мумкин

$$\sigma = e\Delta n\mu_n + e\Delta p\mu_p \quad (1)$$

$$\Delta N_0 \frac{\partial f}{\partial t} = p_t - p_{t0} + N_0^+ - N^+ + N_0^0 - N^0 \quad (2)$$

$a\text{-Si:H}$ парда бор (В) билан кучсиз легирлангани учун (1) тенгламада $\Delta n \approx 0$ деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари $\frac{\sigma_{ph}}{\sigma_T} \approx 10^2 - 10^4$ муносабатга кўра

$p_t \gg p_{t0}$ бўлади. p –тип $a\text{-Si:H}$ пардаларда асосий рекомбинация марказлари сифатида D^0 -марказлар қаралгани туфайли тўла концентрация учун $N^0 \gg N^+$ шарт ўринли бўлади.

У ҳолда $N_D = N_0^0 + N_0^+ = N^0 + N^+$ ифодани юқоридаги шартни ҳисобга олиб $N_D \approx N^0$ кўринишда ёза оламиз. Бундан ташқари термодинамик мувозанат учун $N_D \frac{\partial f}{\partial t} = 0$ ифодани ҳисобга олиб, (2) дан қуйидаги ифодага эга бўламиз

$$p_t = N^0. \quad (3)$$

Коваклар учун тутқичлар валент соҳа думида тақсимлангани учун ортиқча коваклар ўзгаришини

$$\frac{\Delta p}{p_t} = \frac{N_v}{N_{pt}} \exp\left(-\frac{E_v - E_{tp}}{kT}\right) \quad (4)$$

кўринишда ифодалаймиз.

Ток ташувчиларнинг генерация тезлиги ва яшаш вақтини ифодалайдиган формулалардан фойдаланиб, (4) ифодани қуйидагича ифодалашимиз мумкин

$$\Delta p = \left[\frac{GN_v}{C_p^0 N_{tp}} \right]^{\frac{1}{2}} \cdot \exp\left(-\frac{E_v - E_{tp}}{2kT}\right), \quad (5)$$

У ҳолда фотоэлектрик ўтказувчанлик учун қуйидагига эга бўламиз

$$\sigma_{ph} = e\mu_p \left[\frac{GN_v}{C_p^0 N_{tp}} \right]^{\frac{1}{2}} \cdot \exp\left(-\frac{E_v - E_{tp}}{2kT}\right). \quad (6)$$


Ифода (6)дан кўринадик, унда τ_p катталиқ иштирок этмайди. N_{tp} – коваклар учун тутқичларнинг эффе́ктив концентрацияси. Ҳарорат ортиб бориши ушбу тутқичларнинг тўлишига олиб келади. Ушбу ҳолатда тутқичларнинг тўла тўлиши содир бўлади. Бу ҳол учун $\tau_p = \frac{1}{C_p^0 N_{tp}}$ ифода ўринли бўлади ва (6) ифода қуйидагича кўринишга ўтади

$$\sigma_{ph} = e\mu_p (\tau_p)^{\frac{1}{2}} \cdot (GN_v)^{\frac{1}{2}} \exp\left(-\frac{E_v - E_{tp}}{2kT}\right) \quad (7)$$


1- расмдаги а) ва б) графиклардан кўринадик (7) ифода $120 \text{ K} < T < 250 \text{ K}$ оралиқда фотоэлектрик ўтказувчанлик-нинг экспоненциал ўсишига мос келади. Бу ҳолатдаги рекомбинация механизмини қуйидагича тушунтириш мумкин: ҳароратнинг ортиши валент зона тутқичларидаги ковакларни термик фаоллаштиради. Бу эса D^0 -марказларда ковакларнинг тутилишига олиб келади, яъни $D^0 + e \rightarrow D^+$ кўринишдаги қайта зарядланиш содир бўлади. D^0 -марказ концентрациясининг камайиши эса, ўз навбатида τ_p -катталиқнинг

ортишини таъминлайди ва бунинг натижасида σ_{ph} -катталиқ ҳам ортиб боради.

Аммо ушбу (7) формула кучсиз легирланган хусусий $a\text{-Si:H}$ ва легирланган $a\text{-Si:H(B)}$ пардаларнинг паст ҳароратларда фотоэлектрик ўтказувчанлигининг ҳароратга боғлиқлигини ифода қила олмайди. Фотоэлектрик ўтказувчанликнинг бундай ҳолатини биз қуйидагича қиёслашимиз мумкин. Кучсиз легирланган аммо хусусий ўтказувчанликка эга $a\text{-Si:H}$ пардаларнинг ҳаракатчанлик тирқишида узилган Si-Si боғлар ҳосил қилган дефектлар концентрацияси деярли жуда кам бўлади. Ёруғлик таъсирида D^0 ва D^- -марказларнинг нисбий ўзгариши катта бўлиб, термик фаоллашиш орқали бу ўзгариш ўртасидаги тафовут ортиб боради. Бу эса ковакларнинг яшаш вақти (τ_p – катталиқ)нинг камайишига, электронларнинг яшаш вақти (τ_n -катталиқ)нинг ортишига олиб келади. Натижада умумий фотоэлектрик ўтказувчанлик (σ_{ph}) кучсиз ўзгаради.



1-расм. Кучли легирланган $a\text{-Si:H}$ (б,в), кучсиз легирланган аммо хусусий ўтказувчанликка эга $a\text{-Si:H}$ (а) пардалар учун $\sigma(1/T)$ боғланиш келтирилган. [48; б.54-57]



2- расм. Видикон нишони қатламларини ёритишдан олдинги (а) ва кейинги (б) зона диаграммаси [3А; 1010-1017 б].

Бу ҳолатни аналитик формула ёрдамида ифодалаш анча мураккаб. Аммо ушбу соҳалардан, яъни фотоэлектрик ўтказувчанликнинг ҳароратга кучсиз боғлиқлигида асосан $\mu_n \tau_n$ катталиқ аниқланади, демак (1) тенгламада $\mu_n \tau_n \gg \mu_p \tau_p$ эканлигини ҳисобга олсак,

$$\sigma = eG\mu_n \tau_n \quad (8)$$

ифодага эга бўламиз ва шундай қилиб, $\mu_n \tau_n$ катталиқни аниқлаш мумкин. Булардан i -тип, яъни кучсиз легирланган $a\text{-Si:H}$ ларда ковакли ўтказувчанликни стационар фотоэлектрик ўтказувчанликнинг ҳароратга боғлиқлиқ усули (SSPC) орқали аниқлаб бўлмаслиги кўринади. Таъкидлаш жоизки ҳар икки турдаги ток ташувчилар учун μ ва τ катталиқлар ҳароратга кучли боғланган, лекин кучсиз легирланган $a\text{-Si:H}$ пардаларда бундай

боғлиқлик кузатилмайди. Бундай боғланиш фақатгина p - ва n -тип $a\text{-Si:H}$ пардаларда кузатилади холос.

Бундай катталикларни тўлароқ ўрганиш учун фақатгина бир турдаги ток ташувчилар, яъни коваклар ёки электронлар бўлиши таълаб этилади. Уларнинг ток ташиш механизмини ўрганиш учун, видикон нишони ёки Шоттки тўсиқли $p\text{-}i\text{-}n$ структурали куёш элементларида тескари кучланиш берилади ва фотоэлектрик ўтказувчанлик тадқиқ этилади. Маълумки, видикон нишонига тушаётган қисқа тўлқин узунлиқдаги ёруғлик $i\text{-}a\text{-}Si\text{:H}$ қатламни юза қисмида ютилади. Шунинг учун $i\text{-}a\text{-}Si\text{:H}$ қатламни асосан юза қисмида коваклар “резервуари” ҳосил бўлади. 2-расмда видикон нишони сифатида олинган структура қатламларининг ёритишдан олдинги (а) ва кейинги (б) зона диаграммаси келтирилган.

Тушган ёруғлик $i\text{-}a\text{-}Si\text{:H}$ сирт қатламдаги барча зарядли ҳолатларда ютилади ва коваклар $i\text{-}a\text{-}Si\text{:H}$ ҳаракатчанлик тирқишидаги зарядли ҳолатлар билан таъсирлашади. Маълумки $i\text{-}a\text{-}Si\text{:H}$ нинг ҳаракатчанлик тирқишидаги ва валент зона думидаги зарядли ҳолатлардан иборат бўлиб, D-марказларнинг узилган $Si\text{-}Si$ боғлари сабабли юзага келади.

Адабиётлар таҳлилидан кўрдикки, $i\text{-}a\text{-}Si\text{:H}$ даги ток ташиш жараёнида асосан икки турдаги D-марказлар, яъни рекомбинация марказлари ёки тутқич марказлари иштирок этади. Электрон учун D^- -марказлар, коваклар учун эса D^0 -марказлар. Юқорида келтирилган умумий ҳолатни эътиборга олиб, ҳаракатчанлик тирқишидаги жами зарядли ҳолатлар зичлигини алоҳида ҳолатлар зичликлари йиғиндиси кўринишида ёзишимиз мумкин

$$g(E) = g_v^{ur}(E) + g_c^{ur}(E) + g_D^G(E) + g_A^G(E),$$

бу ерда $g_v^{ur}(E)$ ва $g_c^{ur}(E)$ - мос равишда, валент соҳа ва ўтказувчанлик соҳа думидаги ҳолат зичлиги. Улар экспоненциал тақсимотга бўйсунди

$$g_v^{ur}(E) = g_{v0} \cdot \exp\left(\frac{E_v - E}{E_D}\right), \quad (9)$$

$$g_c^{ur}(E) = g_{c0} \cdot \exp\left(\frac{E - E_c}{E_A}\right), \quad (10)$$

бу ерда g_{v0} ва g_{c0} мос равишда, валент соҳа юқорисидаги ва ўтказувчанлик соҳа қуйисидаги ҳолатлар зичликларининг максимал қийматлари. E_D ва E_A – донорли ва акцепторли сатҳларни тавсифловчи энергия.

D-марказларнинг ҳаракатчанлик тирқишидаги тақсимланиши Гаусс тақсимотига бўйсунди

$$g_D^G(E) = g_{D0}^G(E) \cdot \frac{1}{\sigma_D \sqrt{2\pi}} \cdot \exp\left[-\frac{(E - E_g + E_D)^2}{2\sigma_D^2}\right], \quad (11)$$

$$g_A^G(E) = g_{A0}^G(E) \cdot \frac{1}{\sigma_A \sqrt{2\pi}} \cdot \exp\left[-\frac{(E - E_A)^2}{2\sigma_A^2}\right]. \quad (12)$$

Бу ерда $g_{D0}^G(E)$ ва $g_{A0}^G(E)$, мос равишда, D^- ва D^0 -марказлар учун Гаусс тақсимоти ҳолат зичлигининг максимал қиймати. E_D ва E_A донор ва акцептор энергетик сатҳлар максимал қийматлари.

Қайси энергетик ҳолатларда тутилган заряд ташувчилар сабабли Ферми сатҳи силжишини аниқлаш керак. Маълумки, видикон нишонини фотоэлектрик ўтказувчанлигида фақат коваклар иштирок этгани учун (9) ва (12) ифодаларни ташлаб юборамиз, чунки бу зарядли ҳолатлар билан электронлар таъсирлашади. Бундан ташқари (9) ва (12) ифодалардаги $g_{v0} \approx 10^{21} \text{ см}^{-3}/\text{эВ}$ ва $g_{A0} \approx 10^{18} \text{ см}^{-3}/\text{эВ}$ эканини ҳисобга олсак, тутилган коваклар концентрациясига нисбатан $E_v - E \ll E - E_D$ тенгсизлик бажарилади. Чунки тушаётган ёруғлик интенсивлиги бир хил бўлганда фотонларнинг ҳолатларга нисбатан ютилиш фоизи D-марказда катта. Шунинг учун Ферми сатҳини силжишига ушбу марказ сабаб бўлади ва унинг силжишини фақат (11) ифодадан топишимиз мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, тушаётган ёруғликни барчаси ютилади деб ҳисобласак, тутқичларда тутилган коваклар концентрацияси Δp генерацияланган коваклар концентрациясига Φ га тўғри мутаносиб бўлиб, у орқали генерацияланган коваклар концентрациясини ушбу формула орқали топиш мумкин

$$\Delta p = \int_{E_v + E_a - \Delta E}^{E_v + E_a + \Delta E} [1 - f_D(E)] g_D^G(E) dE, \quad (13)$$

бу ерда $f_D(E)$ зарядли ҳолатларни тўлдириш коэффиценти бўлиб, уни қуйидаги муносабатдан ҳисоблаш мумкин

$$f_D(E) = \frac{2 \exp[(E_F - E)/kT]}{1 + 2 \exp[(E_F - E)/kT] + \exp[(2E_F - 2E - U)/kT]}. \quad (14)$$

(14) ифодадан кетма-кет яқинлашиш усули билан ΔE нинг қийматини топишимиз мумкин. Ковакларнинг Ферми сатҳидан пастдаги донорли ҳисобланган D^0 -марказларда тутилганлиги учун E_F Ферми сатҳи E_v томонга $2\Delta E$ қийматга силжийди, у ҳолда потенциал тўсик баландлигини

$$\phi \approx 2\Delta E \quad (15)$$

деб ҳисобласак бўлади.

*a-Si:H*нинг ҳаракатчанлик тирқишидаги D^- ва D^0 -марказлар концентрацияси 10^{14} - 10^{16} см^{-3} дан катта бўлмайди. Шунинг учун видикон нишонига тушаётган фотонлар сони тахминан шу қийматлардан катта бўлмаслиги керак. Бундан ташқари ушбу бобда тушаётган ёруғлик интенсивлигига боғлиқ ҳолда ҳажмий зарядлар соҳасини ўзгариши кўрсатилган.

Диссертациянинг «*a-Si:H* асосидаги видикон нишонининг фотоВАХи ва унинг назарий таҳлили» деб номланган учинчи бобида видикон нишони фотоВАХ графигидаги ўзгаришлар ёруғлик интенсивлиги, кучланиш ва ҳароратга боғлиқ ўзгаришга учраши ва уларни тавсифловчи тенгламалар таҳлил қилинган. Агар видикон нишонига тескари кучланиш берилса, ўтказувчанликда фақат коваклар иштирок этгани учун *i-Si:H* қатламни *p*-тип ярим ўтказгич сифатида қараймиз. Потенциал ва коваклар тақсимотини топиш қуйидаги тенгламаларни ёзамиз:

$$\text{ток зичлиги} \quad j = e p \mu E + D \nabla p ; \quad (16)$$

Пуассон тенгламаси

$$\frac{d^2\varphi}{dx^2} = -\frac{4\pi}{\varepsilon}\rho ; \quad (17)$$

узлуксизлик тенгламаси

$$\frac{\partial\rho}{\partial t} = -\frac{\partial j}{\partial t} . \quad (18)$$

Коваклар ўз ҳаракати давомида валент соҳа думида E_{tp} энергетик сатҳда жойлашган тутқичлар ва E_A энергетик сатҳда жойлашган D^0 -марказлар билан ўзаро таъсирлашади деб ҳисобласак, у ҳолда ҳажмий зарядлар зичлигини $\rho = e(N_p + N_D - p)$ кўринишда ёзамиз.

Агар токни стационар, яъни $j = \text{const}$ ва унинг қийматини жуда кичик деб ҳисобласак, инжекцияланган ковакларнинг қандайдир қисми E_{tp} энергетик сатҳдаги тутқичлар билан термодинамик мувозанатда бўлади дейиш мумкин. Бундан ташқари диффузия коэффициенти учун Эйнштейн муносабатини ҳисобга олиб, (16) ва (17) тенгламаларни қуйидаги кўринишда қайта ёзамиз

$$j = e p \mu \frac{d\varphi}{dx} + \mu k T \frac{dp}{dx}, \quad (19)$$

$$\frac{d^2\varphi}{dx^2} = -\frac{4\pi e}{\varepsilon}(p - p_{tp}), \quad (20)$$

Бу ерда p – инжекцияланган коваклар концентрацияси, p_{tp} – E_{tp} сатҳда тутиб қолинган коваклар концентрацияси. Видикон нишони фотоВАХ графигидан кичик кучланишларда фототок қийматининг ниҳоятда кичик эканини ҳисобга олсак, $j \approx 0$ муносабат ўринли бўлади. У ҳолда (19) ифодани қуйидагича ёза оламиз.

$$e p \mu \frac{d\varphi}{dx} = -\mu k T \frac{dp}{dx} \quad \text{ва} \quad p = -p_k \exp \frac{e\varphi}{kT} \quad (21)$$

бу ерда p_k – ҳажмий зарядлар соҳаси учун $x=0$ нуктадаги коваклар концентрацияси бўлиб, қуйидаги экспоненциал қонунига бўйсунди

$$p_k = p_0 \exp\left(-\frac{e\varphi_0}{kT}\right), \quad (22)$$

(21) ва (22) лардан эса қуйидаги ифодага эга бўламиз

$$p = -p_0 \exp\left(\frac{e(\varphi - \varphi_0)}{kT}\right). \quad (23)$$

У ҳолда (23) ни (20) га қўйиб, қуйидаги тенгламага эга бўламиз.

$$\frac{d^2\varphi}{dx^2} = \frac{4\pi e}{\varepsilon} p_0 \left(1 - \exp\left(\frac{\varphi_0 - \varphi}{kT}\right)\right). \quad (24)$$

(24) тенгламадан эса “бойитилган” контакт учун ковакларнинг потенциал ва концентрацияси тақсимотини ифодаловчи тенгламага эга бўламиз

$$\varphi = -\frac{2kT}{e} \ln\left(1 - \frac{x}{a}\right), \quad (25)$$

$$p = p_0 \exp \frac{e\varphi}{kT} = p_0 \left(\frac{a}{a+x} \right)^2, \quad (26)$$

Унга кўра потенциал тақсимотга ёруғлик ютилмаган соҳадаги асосий заряд ташувчиларнинг таъсир қилмаслиги аниқ бўлади. Биз қараётган ҳолда эркин зарядлар коваклар бўлиб, уларнинг концентрацияси валент соҳа думидаги тутқичлар ва D -марказларнинг ҳолат зичлигига боғлиқ. Шунга кўра, ўта бойитилган ҳолат учун олинган Пуассон тенгламасидан зарядли ҳолатлар ҳақида маълумот олиш деярли мумкин эмас. Шунинг учун бундай маълумотни олиш, яъни $a\text{-Si:H}$ нинг ҳаракатчанлик тирқишидаги турли зарядли ҳолатлар зичлиги ва уларнинг коваклар ток ташиш механизмига таъсирини ўрганиш учун ёруғлик интенсивлигига юқоридан чегара қўйилади ва фақат шундай шароитда олинган фотоВАХдан коваклар параметрлари ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Видикон нишони учун фототок ҳосил қилишда тескари кучланиш улаб, ток ташувчилар инжекцияси ҳосил қилинади. Ушбу ҳолатда токнинг юзага келиши ички ҳажмий зарядлар ҳосил қиладиган ички потенциаллар фарқи туфайли амалга оширилади. Уни ҳажмий зарядлар билан чекланган токнинг юзага келиши дейилади. У ҳолда $i\text{-}a\text{-Si:H}$ нинг сирт қатламида фотогенерацияланган коваклар $a\text{-Si:H}$ ни ичкараси томон бутун ҳажм бўйича ҳаракатланади ва улар яримўтказгичнинг ҳаракатчанлик тирқишидаги зарядли ҳолатлари билан ўзаро таъсирлашади. Натижада коваклар валент соҳа думидаги тутқичларда ва D⁰-марказларда тутилиб, фаоллашади деб ҳисоблаймиз. Бунинг натижасида узлуксизлик, Пуассон ва қайта зарядланиш кинетик тенгламаларини мос равишда, қуйидаги кўринишда ёзамиз

$$j = ep\mu_p E, \quad (27)$$

$$\frac{d^2\varphi}{dx^2} = \frac{4\pi e}{\epsilon} (p + N_2(f-1) + N_1), \quad (28)$$

$$N_2 \frac{\partial f}{\partial t} = \frac{p}{\tau_p} (1-f) \frac{N_2}{N_1} - G_T, \quad (29)$$

бу ерда p – инжекцияланган коваклар концентрацияси, N_1 ва N_2 мос равишда, валент соҳа думидаги тутқичлар ва D-марказлар концентрацияси, G_T – ковакларнинг термик генерация коэффициенти, f – тутқичларнинг тўлиш коэффициенти.


Тенглама (27)да $a\text{-Si:H}$ да диффузия коэффициенти кичик бўлгани учун диффузия тоқларини ҳисобга олмадик. Тенгламалар системасининг тўғридан тўғри аналитик ечимини топиш мумкин эмас, чунки видикон нишонининг фотоВАХи бир неча қисмдан иборат (3-расм). Шунинг учун тенгламалар системаси, ташқи кучланишга ва ёруғлик интенсивлигига боғлиқлигидан, ҳажмий зарядлар соҳасига инжекцияланадиган коваклар концентрацияси билан тутқичларда фаоллашган коваклар концентрацияси орасидаги муносабатга қараб, аналитик ҳолда ечилади.

Кичик кучланишларда инжекцияланган коваклар концентрацияси p билан ҳажмий зарядлар соҳасидаги асосий ток ташувчилар концентрация орасида p_0 қуйидаги $p < p_0$ муносабат ўринли бўлади. Бундан ташқари ток


ташувчиларнинг чуқур сатҳдаги тутқичлар билан ўзаро таъсирлашувини ҳисобга олмаймиз. Токни фақат термик фаоллашган ковакларгина ташийди, у ҳолда $p = \text{const}$ шартдан қуйидагига эга бўламиз

$$j = e p \mu_p \frac{U}{L} \quad (30)$$

бу ифода Ом қонуни бўлиб, фото-ВАХда ушбу соҳа фақат паст ҳароратлардагина юзага келади (4- расм).



3-расм. Нишонни идеал фотоВАХи: 1-электрон нурлари учиб ўтиш хоссаси билан аниқланадиган фототокни юқори чегараси; 2-қоронғуликдаги нишон токини қуйи чегараси; 3-Фототок (Боғланишни ҳар учта қисмида ташувчиларни кўчиш жараёни майдонга турлича боғланади); Штрихли боғланиш - пасайтирилган температуралардаги ВАХ.



4-расм. Турли температураларда олинган фазовий заряд билан чегараланган соҳадаги фотоВАХ. Фотон оқими $1,4 \cdot 10^{12}$ фотон/($\text{cm}^2 \cdot \text{s}$), $d=4$ мкм. а. 302 К, б. 262 К, в. 220 К [31; 141 б.]

Кучланишни ортиб бориши билан ҳажмий зарядлар соҳасига инжекцияланадиган коваклар концентрацияси ҳам ортиб боради. Бунинг натижасида

$$p \approx N_2(f-1) + N_1 \quad (31)$$

муносабат ва ўз навбатида $p \gg p_0$ тенгсизлик ўринли бўлади. (31) дан

$$p + N_2(f-1) + N_1 = A[N_2(f-1) + N_1] \quad (32)$$

муносабатга эга бўламиз. Бу ерда $A > 1$ шарт бажарилади. (32) ва (28) муносабатларни ҳисобга олиб Пуассон тенгламасини қуйидагича ёзамиз

$$\frac{d^2 \varphi}{dx^2} = \frac{4\pi e}{\varepsilon} A[N_2(f-1) + N_1] \quad (33)$$

Импульсни частотаси кичик бўлгани учун видиконни ишлаш режимини квазистационар деб ҳисоблаб, яъни

$$\frac{\partial f}{\partial t} \approx 0 \quad \text{дан} \quad (1-f)N_2 = G\tau_p \frac{N_1}{p} \quad (34)$$

ифодага эга бўламиз.

Куйидаги ифодалар (27) ва (34)дан фойдалансак Пуассон тенгламаси куйидаги кўринишга келади

$$\frac{d^2\varphi}{dx^2} = \frac{4\pi e}{\varepsilon} AN_1 \left[1 + e\mu_p G\tau_p \frac{E}{j} \right] = \frac{dE}{dx}. \quad (35)$$

Ушбу иккинчи тартибли дифференциал тенгламани интеграллаш учун интегралнинг куйи чегараси маълум бўлиши керак. Юқорида кўрдикки, ёруғликнинг $a\text{-Si:H}$ юза қисмида ютилиши ҳисобига коваклар “резервуари” ҳосил бўлар эди. Ушбу “резервуар” қатламини энергетик диаграммаси 2-расмда келтирилган. Ташқи кучланиш қийматига боғлиқ ҳолда соҳани ажратувчи эгри чизиқ пасайиши мумкин. Шу эгри чизиқни минимум нуқтасида майдон кучланганлиги нолга тенг бўлади. Коваклар эса максимал потенциал энергияга эга бўлади. Худди шу нуқта “виртуал катод” ҳисобланади ва у куйидагича формула орқали ҳисобланади

$$x_0 = L_0 \ln \left(\frac{e\mu_p E}{2\pi j} \right), \quad (36)$$

бу ерда $L_0 = \frac{kT}{eE}$

Ифода (36) дан кўриниб турибдики, кучланиш ортиши билан x_0 ни қиймати кичрайиб боради ва ўз навбатида ҳажмий зарядлар соҳаси кенгаяди. Тенглама (35)ни интеграллаб куйидаги ифодага эга бўламиз

